

№ 2 (6)
2025



ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASI
NÓKIS FILIALI

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI / ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА / BULLETIN OF MUSIC AND ART

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSI

ILIMY-METODIKALÍQ JURNAL





**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW,
ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT MINISTRIGI
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIASÍ
NÓKIS FILIALÍ**

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ
Ilmiy-metodikaliq jurnal

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI
Ilmiy-uslubiy jurnal

ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА
Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART
Scientific-methodical journal

№ 2(6)/2025

SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali

Bas redaktor: – Allanbaev Rudakiy, *professor*

Juwaplı xatker: – Kamalova Difuza, *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori, docent.*

REDKOLLEGIYA AGZALARI:

OZODBEK NAZARBEKOV – Ózbekstan Respublikası Mádeniyat ministri, professor;

AZIZBEK TURDIEV – Ózbekstan Respublikası Mektepge shekemgi hám mektep bilimlendiriw ministri orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

KAMOLIDDIN URINBAYEV – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası rektori, professor;

AMANULLA RIZAYEV – kórkem ónertanıw ilimleriniń kandidati, professor;

HIKMAT RAJABOV – professor;

ORAZALI TOSHMATOV – professor;

BAXT AZIMOV – pedagogika ilimleri kandidati, docent,

MUHAMMAD TOLAXOJAEVA – kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

MARFUA XAMIDOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

BOLTABOY SHODIYEV - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, docent;

OZODA TOSHMATOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

SAYYORA ĞAFUROVA – professor;

OYDIN ABDULLAEVA – professor;

IRODA MIRTALIPOVA – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

PARAXAT MAMUTOV – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

QURBANBAY JARIMBETOV – filologiya ilimleriniń doktori, professor;

ALIMA BERDIMURATOVA – filosofiya ilimleriniń doktori, professor;

ZIYADA BEKBERGENOVA – filologiya ilimleriniń doktori (DSc), professor;

ARTIQBAY EREJEPOV – pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

JANABAY MARZIYAEV – filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

Jurnal qaraqalpaq, ózbek, rus hám ingliz tillerinde baspadan shıǵarıladı. Jurnal Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administraciyası janındaǵı Málimleme hám ǵalaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen mámleketlik dizimnen ótkerilgen. №047569 4-oktyabr, 2022-jıl.

Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya Komissiyasınıń 2024-jıl 30-iyuldaǵı 358-sanlı qararı tiykarında jurnal 17.00.00-Kórkem ónertanıw ilimleri jónelisi boyınsha dissertaciya nátiyjelerin baspadan shıǵarıw ushın arnalǵan jetekshi ilimiy jurnallar qatarına kiritilgen.

Redakciya mánzili: Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali Sh.Abdirov 2-jay.

E-mail: ozdknf@edu.uz, UZDK_Nukus@exat. Tel: 551020540 Veb-sayt: <https://science.uzdknf.uz/>

ISSN-2181-4112

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЁЛ КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ТАФАККУРИ МОҲИЯТИ

Абрарова М.

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Аннотация: Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон композиторлик ижодиёти ноёб, серуслуб соҳа бўлиб, бугунги кунда унинг вакиллари миллий ва умуминсоний тамойилларини уйғунлаштирган ҳолда ижод қилмоқдалар. Мазкур мақолада О.Абдуллаева, Х.Хасанова, Д.Джанабаева, У.Абдуллаева мусикий тафаккури борасидаги мулохазалар ёритилган. Айнан аёл композиторлар ўз асарларида инсон қалбидаги ҳис туйғуларни, орзу умидларни, Ватанга садоқат ва меҳр муҳаббатни, оилага садоқатни рўй-рост акс эттира оладилар.

Калит сўзлар: композитор, аёл, жанр, мусиқа, серия, чолгу, тафаккур, шеърият

Аннотация: Композиторское творчество Узбекистана и Каракалпакстана является уникальной и многообразной сферой, и сегодня ее представители создают произведения, сочетающие в себе национальные и общечеловеческие принципы. В статье рассматривается музыкальное мышление женщин – композиторов О.Абдуллаевой, Х.Хасановой, Д.Джанабаевой, У.Абдуллаевой. Именно женщины-композиторы умеют по-настоящему отразить в своих произведениях чувства, мечты, надежды, преданность и любовь к Родине, верность семье.

Ключевые слова: композитор, женщина, жанр, музыка, серия, инструмент, мышление, поэзия.

Annotation: The compositional creativity of Uzbekistan and Karakalpakstan is a unique, diverse field, and today its representatives create works combining national and universal principles. This article discusses the musical thinking of O.Abdullaeva, Kh.Khasanova, D.Dzhanabaeva, and U.Abdullayeva. It is precisely female composers who can truly reflect the feelings, dreams, hopes, loyalty and love for the Motherland, and loyalty to the family in their works.

Keywords: composer, woman, genre, music, series, instrument, thought, poetry.

Кириш. Маълумки, мураккаб ва серуслуб, ноёб композиторлик ижодиёти асосан эркак ижодкорлардан таркиб топиб, аёл композиторларнинг

сони тарихдан бирмунча оз бўлган. Бунинг сабаблари талайгина. Соҳа, катта меҳнат ва фидоийликни, шижоат ва иродани талаб этади. Аёл эса, оила, фарзандлар тарбияси билан банд бўлиб, ижод жараёнларига етарлича вақт ажратиши қийиндир. Бироқ, аёл бўлишига қарамай, барча жабҳада етакчи, лидерлар борки, улар оилага ҳам, ижодга ҳам бирдек улгурадилар. Мазкур мақолада, Ўзбекистон композиторларидан О.Абдуллаева ва Х.Хасанова, Қорақалпоғистон композиторларидан эса, Д.Джанабаева ҳамда У.Абдуллаеваларнинг мусиқий тафаккурининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Ушбу композиторларнинг ижодини талқин ва тарғиб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон давлат консерваторияси «Мутавакил Бурҳонов» номидаги концерт залида бўлиб ўтган «Аёл баёти» деб номланган мусиқий-маърифий тадбирда, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзолари, консерватория профессорлари Ойдин Абдуллаева ва Хуршида Хасанованинг асарлари маҳоратли пианиночи Заҳро Мухаммаджонова ижросида янгради. Мазкур концерт дастурини тайёрлаш гоёси уч маслакдош ижодкорлар - Ойдин Абдуллаева, Хуршида Хасанова ҳамда Заҳро Мухаммеджановаларга тегишли. Зеро, улар ҳаёт ва ижод йўлларида бир-бирлари билан чинакам дўст тутинишган. Ижодий гоё ва лойиҳаларни амалга оширишда бир-бирларига елкадошдирлар.

Асосий қисм. Жаҳон мусиқа тарихига назар ташласак, ижодкорларнинг бу каби дўстлашуви, янгидан-янги асарларнинг пайдо бўлишига замин яратганлигини эслатиш жоиз. Масалан, XIX асрда бешта рус композиторларини жамлаган «Қудратли тўда» деб ном олган ижодкорлар жамоаси ҳам миллий мусиқани тарғиб этишни мақсад қилганлар. Уларнинг ўзаро ижодий мулоқоти ва ҳамкорлиги натижасида опера ва симфоник асарлар яратилган. Бу галги концерт дастури ҳам, Ўзбекистон ижодкорларининг юқори профессионал маҳоратини ва ижодий салоҳиятини тўла-тўқис намоён этгани қувонарлидир. Кечада замонамизнинг таниқли шоираси Фарида Афрўз ҳам қатнашгани, уларнинг шеърий сатрлари магистрант Одина Омонжорова томонидан ифодали ўқилгани тадбирга ўзгача шукҳ бағишлади. Залда ўтирган томошабинлар мусиқа ва шеър уйғунлигидан олам-олам завқ олдилар. Ҳар бир композитор учун унинг асарларини муносиб ижрочилари ва миннатдор тингловчилари бўлишлиги – ҳақиқий бахтдир! Ушбу концертда Ойдин Абдуллаева ҳамда Хуршида Хасанова ижодий бахтга эришдилар деб бемалол таъкидлаш мумкин. Зеро, замонамизнинг маҳоратли пианиночиси, Заҳро Мухаммеджанованинг

бетакрор, жозибали ижроси билан унутилмас таассурот колдирди. Бу борадаги фикрларини кекса авлод композитори Д.Сайдаминова куйидагича билдирди: - «Мен Ўзбекистон композиторлик ижодиётининг бугуни ва эртаси учун хотиржамлик ҳиссини туйдим. Заҳро Мухаммеджановани эса, ижрочи сифатида ўзим учун қайтадан кашф этдим». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати, Зулфия давлат мукофоти соҳибаси, профессор, композитор Ойдин Абдуллаеванинг ижоди миллий ва замонавий жиҳатларни ўзида мужассам этган. Концерт Ойдин Абдуллаеванинг “Мушоҳада” деб номланган асарининг премьерасидан бошланди. Миллий оҳангларнинг тараннуми, айниқса, фортепианода дутор чолгусининг имитацияси тингловчиларга манзур бўлди. Композиторнинг “Мушоҳада” асарида айнан дутор чолгусини ифодалашга интилиши бежиз эмас, албатта. Ўтмишда, аёллар дутор чалиб, машваратлар ўтказишган. Қўлидаги созини чертар эканлар, куй кўшиқлар куйлаб, кўнгилларини ёзишган. Асарда бир аёлнинг ҳаёлот оламига шўнгигани тасвирланган. Аёлларнинг ўзига хос нозик қалби, дунёқараши ва мушоҳадаси композитор О.Абдуллаева томонидан юксак маҳорат ва дид ила тасвирлаб берилган. Фарида Афрўз шеърини аёл муҳаббатини тасвирлашга, ранг-баранг ҳис туйғуларни намоён этишга қаратилган. Шоиранинг шеърий сатрлари, композитор Ойдин Абдуллаевани мусиқа яратишга илҳомлантириб, овоз ва фортепиано учун “Бир ишқ бўлса...” деб номланган кўшиқ пайдо бўлган. Мусикий-шеърий тафаккур соҳибаси О.Абдуллаева, шоиранинг сўзларини мусиқада жонли ифода этиб, тадбирда хонанда Севинчой Рўзметова талқинида гўзал кўшиқ ижро этилди. Хонанданинг бетакрор овоз тембри, З.Мухаммаджонованинг нозик жўрнавозлиги, асар гоҳини тингловчиларга етказиб берилишида муҳим аҳамият касб этди. Тарихдан маълумки, жаҳон композиторлари сафарлар чоғида энг гўзал мусикий асарларини яратишга муяссар бўлишган. Мисол тариқасида, Вена классик мактаби вакили, Й.Гайдннинг “Лондон симфонияларини”, рус композитори М.Глинканинг “Арагонча хота”, “Испанча увертюра” каби асарларни келтириш мумкин. О.Абдуллаева ҳам, Қорақалпоғистонга бир неча бор қилган сафарларидан олган таассуротларини ушбу заминга аталган қатор асарларида акс эттиришга муваффақ бўлган. Қорақалпоғистоннинг чексиз чўл-у адирлари, халқининг заковати, қадимий анъаналари “Қорақалпоқча” деб номланган фортепиано учун фантазияда ўз ифодасини топган. Концерт дастурига ташриф буюрганлар, мазкур фантазиянинг жаҳон премьераси шохидига айландилар. Асар тингловчиларнинг олқишига сазовор бўлди.

О.Абдуллаеванинг фортепиано учун лирик, нафис “Ноктюрн” асари мактабда ўқиб юрган кезларида ёзилган. Концерт дастурида ушбу асарни тинглар эканмиз, ундаги миллий рухияти, замон оҳангларига хослик, ёрқинлиги эътиборни жалб этади. Композиторнинг мактабда ўқиш кезларидаёқ, ижодкорлик истеъдоди намоён бўлганлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон давлат консерваторияси “Композиторлик ва чолғулаштириш” кафедраси мудир, профессор, “Дўстлик” ордени соҳибаси Хуршида Ҳасанованинг асарлари ҳам тадбирга алоҳида жозоба бағишлади. Унинг М.Ашрафий таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ёзилган “Рустам ҳақидаги достон” ораторияси асосидаги фантазиясида иқтибослар катори, соф муаллифлик мавзулари қўлланилган. Асар қаҳрамонлари Рустам, Тахмина ва Сухроб образлари фантазиянинг бош мусиқий мавзуларида акс эттирилган бўлиб, бунда композитор контраст, зиддият, фортепиано чолғусининг тембр жозибдорлигига урғу бериб, ёритган. Асарнинг авж палласи - отанинг ўз ўглининг қотилига айланган лавҳаси, бутун асарнинг драматик чўққисини ташкил этган. Созанда З.Мухаммеджанова Тахминани муҳаббат рамзи сифатида, лирик сиймосини ёрқин ифодалаб, кураш мавзуларини ўзига хос фожеавий талқин қилишга, тингловчилар қалбига етказишга муваффақ бўлганини таъкидлаш ўринлидир. Композиторнинг “Ой шуъласи” деб номланган фантазия эса, ўз вақтида К.Дебюссининг номдош асаридан илҳом олган ҳолда яратилган кўринади. Хусусан, мусиқий асарда лаҳзалик ҳиссиётларни ифодаловчи импрессионизм санъатига хос товушлар ва ранглар жилоси эътиборни тортади. Мусикада импрессионизмга хос нозиклик, эстетик дид, миллий оҳанглар билан йўғрилган. Асарнинг илк ижроси 2022 йил АҚШда нуфузли халқаро мусиқа фестивалида ҳамюртимиз, пианиночи Диёра Турсунова талқинида янграган ва олқишларга сазовор бўлган. Концерт дастурида З.Мухаммаджанова ижросида талқин этилган фантазия, тингловчиларни гўзал табиат манзарасини тасаввур этишга ундади.

Қайд этиш лозимки, концертда Хуршида Ҳасанованинг замонавий композиторлик техникасини ўзида мужассам этган “Остинато серия” асари жаҳон премьераси бўлиб ўтди ва катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ушбу асарни композитор, Р.Шедрин ижодидан илҳомланиб яратган. Унда ранг баранг мавзуларни, хусусан, она ва унинг фарзандлари образларини гавдалантириш мақсад қилинган. Нозик табиат она образи лирик оҳангларда, импрессионизмга хос бўёқларда, фарзандлар эса, шўҳ ва қувноқ тоқката услубига монанд воситалар орқали акс этилган.



Аёлнинг қалб изтиробларини, орзу-умидларини, ҳис-ҳаяжонларини ифодалашга қаратилган минглаб асарлар яратилган ва яратилмоқда. Бироқ, айнан аёллар ўзларининг кечинмаларини мусикада ифода этсалар, бу янада таъсирчан ва ҳаққоний бўлишига Хуршида Хасанованинг “Қалбим дарёси” асари мисолида амин бўлдик. Юрагининг туб-тубидаги тугёнларни композитор, бамисли денгизнинг тўлқинларига қиёслайди. Улар гоҳ сокин, майин, гоҳида аксинча тўлқинланиб, мавж уради. Аёлнинг ёлғиз қолиб ўзи билан ўзи пинҳона суҳбати, декламацион оҳангларда композитор томонидан юксак маҳорат ила ифодаланган.

Мазкур мусикий - маърифий дастур, О.Абдуллаеванинг “Мени кутгил” деб номланган романи билан якунланди. Константин Симонов шеъри, Ҳамид Олимжон томонидан таржима қилиниб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида жуда машҳурлик қозонган эди. “Мени кутгил” деган ҳитоб, яқинларини урушга жўнатган ҳар бир инсонга қаратилган. Шеърий матн танлашга ўта талабчанлик билан ёндошувчи мусикий-шеърий тафаккур соҳибаси О.Абдуллаеванинг мазкур романи, А.Навоий номидаги ДАКТ хонандаси Азиза Мухамедова томонидан юксак маҳорат билан ижро этилди. Қорақалпоғистонда ҳам аёл ижодкорларнинг фаолияти тарғиб этилишига катта аҳамият берилаётгани қувонарлидир. Жумладан, жорий йилнинг 11 апрель куни Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиалида, композитор Дарико Джанабаеванинг ижодига бағишланган илмий конференциянинг ташкил этилганлиги сўзимизнинг далилидир. Ушбу илмий конференцияда талаба ёшлар Д.Джанабаеванинг ҳаёт ва ижод йўли борасидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, композитор, педагог ва мелодист Д.Джанабаева композиторлик сирларини Олма-отада Қ.Хўжамиёров синфида ўрганган.

Унинг вокал асарларида Қорақалпоғистоннинг табиати, инсонларнинг кувонч-у ташвишлари, аёл қалби намоён бўлади. “Армон”, “Қора толларим”, “Сени изладим” каби асарлари ўзининг замонавийлиги, жозибадорлиги, узлуксиз ривожга эга экани билан ажралиб туради. Д.Джанабаева миллий руҳдаги асарлари қорақалпоқ халқининг чинакам нодир дурдонасига айланган.

Истеъдодли композитор Улбиби Абдуллаеванинг асарлари ҳам миллий ва умуминсоний тамойиллар уйғунлигида яратилган. У М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетини Б.Гиенко синфида тамомлаб, ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиалида ҳамда санъат мактабида мусикий назарий фанлар бўйича ёш авлодга таълим бериб келмоқда. У.Абдуллаева Европа ва миллий анъаналарни ўз ижодида қориштирган ҳолда, асарлар яратган. “Орол овози”, “Кутдим келмадинг” симфоник поэмаларида, фортепиано учун асарларида аёл ижодкорнинг борлиққа муносабати, қалбининг тугёнлари акс топган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, мураккаб композиторлик санъатида аёл ижодкорларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Аслида, санъат асарларини яралишига сабабчилар ҳам аёллардир. Бинобарин, аёллар атроф-муҳитга, жамиятга, оилага, фарзандларига нисбатан қалб кўри билан муносабат билдирадилар. Шунга қарамасдан, айнан ижодкор аёллар, санъат асарлари орқали ўз ҳиссиётларини, бой маънавий оламини ифода этишга муяссар бўладилар. Жаҳон мусиқа тарихига мурожаат этар эканмиз, аёл композиторларнинг сони, эркак композиторларнинг сонига нисбатан анчайин кам эканига гувоҳ бўламиз. Бунинг сабаблари кўп. Ушбу соҳа – Инсондан ҳақиқий ижодкорликни, мақсад сари интилувчанликни, қатъий ирода ва матонатни, атроф-муҳитдаги ўзгаришларни санъат асарларида ҳаққоний тасвирлай олиш маҳоратини талаб этади. Композиторлар О.Абдуллаева, Х.Хасанова, Д.Джанабаева, У.Абдуллаеваларнинг айна шу фазилатлар соҳибаларидирлар. Ушбу аёл композиторларининг асарлари Ватанга муҳаббат ва садоқат, оилага ҳурмат, меҳр, вафо, соф инсонийлик, меҳнатсеварлик туйғуларини тараннум этиши билан қимматлидир. Мазкур мусикий-маърифий концерт дастури ижодкор аёлларнинг фаолиятидаги янги кирраларнинг очилишига, замонавий санъатдаги тенденцияларини намоён бўлишига хизмат қилмоқда. Замонамизнинг илғор аёл ижодкорлари қалб туйғулари, баётларидан ҳақиқий эстетик завқ олиш ҳақиқий мусиқа

ихлосмандларига насиб этаверсин! Аёл композиторларимизнинг ижоди Ватанимиз додругини бутун жаҳонга тараннум айлайверсин!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жабборов А. Музикий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. – Тошкент: 2000.
2. Жаббаров А. Ўзбекистон композиторлари, бастакорлари ва музикашунослари. “Музика” нашриёти” – Тошкент - 2018.
3. Allanbaev R. Jeke qosiqshılıq óneri. – Toshkent: 2023.
4. Abatbaeva R. Fortepiano. – Nókis: “Pimpaz”, 2023.

MAZMUNÍ

MUZÍKATANÍW

1	Султанова Е. ФОРТЕПИАННОЕ ТРИО ФРАНСИСА ПУЛЕНКА В КОНТЕКСТЕ ФРАНЦУЗСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ МУЗЫКИ XX ВЕКА	3
2	Миркасымова Э.З. ИСПОЛНИТЕЛЬСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ КАК ВАЖНЕЙШИЙ ЭТАП ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЫКАНТА	9
3	Мирсолихова Х.М. МУСИҚИЙ АСАР УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА	16
4	Тожибоев С. ИСЛОМ ДИНИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМ ВА БАЙРАМЛАРДАҒИ МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАР	21
5	Abatbaeva R.A. KOMPOZITORLAR IJODIDA BALLADA JANRINING SHAKLLANISHI VA BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI	34

KÓRKEM ÓNER

6	Allanbaev R.O. “SUYMAGANGA SUYKALMA” MUSIQALI DRAMASINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	41
7	Аббарова М. ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АЁЛ КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ТАҒАҚҚУРИ МОҲИЯТИ	52
8	Aytmuratov B.K. AKTYOR INDIVIDUALLIGINI SHAKLLANTIRISHDA ROL YARATISH USLUBIYATINING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI	59
9	Azimov K. DIRIJYORLIK TEXNIKASINING NAZARIY MASALALARI	68
10	Eminov N. “ALPOMISH” MUSIQALI DRAMASIGA AYRIM CHIZGILAR	73
11	Gulmanov I. DÁSTÚRIY HÁM ZAMANAGÓY MUZÍKADA DÁP ÁSBABÍNÍN RAWAJLANÍW BASQÍSHLARÍ	80
12	Jaqsımuratova B. VOKAL ATQARIW SHÍLÍGÍNÍN TARIYXIY EVOLYUCIYASÍ	86
13	Karimova N. FESTIVAL TUSHUNCHASI VA ULARNIG ILMIY-NAZARIY ASOSLARI	92
14	Kazakbayeva M. ARIYALAR USTIDA ISHLASH JARAYONIDA JO‘RNAVOZNING AHAMIYATI	98
15	Kutekeeva R. QORAQALPOG‘ISTON OPERA SAN‘ATIDA MILLIY OBRAZLAR TALQINI	104

16	Matjanova M. ATQARIWSHILIQ MADENIYATIDA KONCERTMEYSTERDIN TIYKARGI WAZIYPALARI	110
17	Sharipov N. ZAMONAVIY FANDA AYOL OLIMALARNING O'RNI	117
18	Osman Kopadze. THE SOFT POWER IMPACT OF TURKISH TELEVISION SERIES ON UZBEK SOCIETY	122
19	Paxratdinova L. SKRIPKANING KELIB CHIQISHI VA IJROCHILIK AN'ANALARI	130
20	Shukurov A. TEATR SAN'ATINI RIVOJLANTIRISHDA TARIXIY VA ZAMONAVIY YONDASHUV	136
21	Tursunov E. AN'ANAVIY YO'NALISHDAGI XONANDALIK ASARLARI BOSHQA MILLAT VAKILLARI IJROCHILIGIDA	147
22	Измаилов А.М. ФОРМИРОВАНИЕ ОРКЕСТРОВОЙ ФУНКЦИИ ЗВУКОВЫСОТНЫХ УДАРНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В XVI–XVII ВЕКАХ	153
23	Давыдова Т. СТИЛЕВЫЕ ОСОБЕННОСТИ СИМФОНИЧЕСКИХ ОПУСОВ ТУЛКУНА КУРБАНОВА	165
24	Миркасымова Э.З. ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ И СТИЛЕВЫЕ ПРИНЦИПЫ ФОРТЕПИАННЫХ ЦИКЛОВ Д.САЙДАМИНОВОЙ.	170
25	Charshemov J.A. QARAQALPAQ KOMPOZITORLARININ XOR USHIN JAZILGAN SHIGARMALARI	177

MUZIKA PEDAGOGIKASI

26	Djumaniyazov U.M. XALQ MUSIQA IJODIYOTINI O'RGANISHGA PEDAGOGIK YONDASHUV	187
27	Yusupaliyeva D. YOSHLARNING MA'NAVIY TARBIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA MADANIYAT VA SAN'ATNING O'RNI VA AHAMIYATI	196
28	Muratbaev A. ORFF METODI TIYKARINDA MUZIKA SABAQLARINDA SAZ ASBAPLARDAN PAYDALANIV	204
29	Мелькумова Э.И. ФИЛОСОФСКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВАНИЯ НАУЧНОГО ПОЗНАНИЯ: СТРУКТУРА, ЛОГИКА И ТРАНСФОРМАЦИЯ В КОНТЕКСТЕ СОВРЕМЕННОСТИ	210
30	Абдуллаева А. РАБОТА НАД ФОРТЕПИАННЫМИ ПЬЕСАМИ Р. ГЛИЭРА В КЛАССЕ ОБЩЕГО ФОРТЕПИАНО	217

31	Saidumarov I. ESTRADA XONANDALIGI SAN'ATI HAMDA VOKALDAN DARS BERISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARINING O'RNI VA AHAMIYATI	223
----	--	-----

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

32	Бердиниязова Н.К. МЕҲНАТ ЖАМОАСИДА КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	228
33	Пердебаева К.Р. БАСПАСӨЗ ДИЗАЙНЫ ҮСТИНДЕ ИСЛЕЎ (Газетаның арнаўлы санлары анализи мысалында)	234

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER
XABARSHÍSÍ
Ilimiy-metodikalıq jurnal

